

МЕТАЛЛУРГИЯ КЛАСТЕРЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Абдуллаева Матлуба Нематовна, и.ф.н., доцент, ТДТУ

Аннотация. Ушбу мақолада металлургия саноатида кластерларни ривожлантириш моҳияти, зарурияти ва хусусиятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар. Кластерлар, металлургия саноати, ички муҳит, ташқи муҳит, технологик ҳамкорлик, ички рақобат муҳити, кластер муҳити

Abstract. This article examines the nature, necessity and features of cluster development in the metallurgical industry.

Keywords. Clusters, metallurgical industry, internal environment, external environment, technological cooperation, internal competitive environment, cluster environment

Жаҳон амалиётида ривожланган мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётини самарали ривожлантириш йўналиши сифатида кластер назарияси кенг тарқалди. Кластер назарияси замонавий давлатлар иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Бироқ, бу назария анча «янги» бўлишига қарамай, унинг пайдо бўлишининг дастлабки шарт-шароитлари XIX асрдаёқ кўрина бошлади. А. Маршалл юқори меҳнат унумдорлигига эга корхоналарнинг концентрациялашув сабабларига эътибор қаратган биринчи иқтисодчи деб қаралади[1]. А. Маршалл айрим саноат тармоқларида кичик ва ўрта корхоналар гуруҳлари мамлакатнинг бир минтақасида тўпланган ва умумий ишлаб чиқариш жараёнининг маълум бир босқичига ихтисослашган бўлса, уларнинг самарадорлиги йирик корхоналар даражасидан кам бўлмайди, деб таъкидлайди.

Майкл Портер талқинидаги «кластер» тушунчаси классик тушунчага айланиб, кўплаб нашрларда ишлатилмоқда. Унинг фикрича, кластер – бу «географик жиҳатдан тўпланган ўзаро боғлиқ компаниялар, ихтисослашган етказиб берувчилар, хизмат етказиб берувчилар, тегишли соҳалардаги фирмалар, шунингдек уларнинг фаолияти билан боғлиқ ва ўзаро рақобатлашувчи, лекин биргаликда иш олиб борувчи маълум соҳалардаги корхоналарнинг гуруҳлари (масалан, университетлар, стандартлаштириш агентликлари ва савдо уюшмалари)дир»[2].

Металлургия кластерини тизимли нуқтаи назардан кўриб чиқсак, уни бири-бири билан ва ташқи муҳит билан бирга иш олиб борувчи, ўхшаш хусусиятларнинг мавжудлиги билан бирлашувчи кўплаб элементлар мажмуи деб тушунамиз. Бир ҳудудда жойлашган саноат корхоналари бири-бири билан ва бошқа иқтисодий субъектлар билан ўзаро алоқада бўлиши учун кўплаб умумий

эҳтиёжлар ва имкониятларга эга бўлиб, бу кластерлар шаклланишига ёрдам беради. Metallургия кластерини ташкил қилиш metallургия корхоналари ва улар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқалари орқали боғланган бошқа иқтисодий субъектларни бирлаштиришга асосланган бўлиб, у қўшимча рақобат устунликларига эга бўлиш ва узоқ муддатли истиқболда – фойдани кўпайтириш мақсадида яратилган. Бундай уюшма одатда кўп томонлама битим билан мустаҳкамланади.

Бизнинг фикримизча, metallургия кластерида корхоналарни ташкил этиш ва бирлаштиришнинг бошқа моделларидан ажралиб турадиган хусусиятларига кўп даражали технологик ҳамкорлик, ички рақобат муҳити, кластер аъзоларининг бошқарув қарорларини мувофиқлаштириш механизмлари, иштирокчи корхоналарнинг кластер ичидаги ўзаро алоқаларга асосланган рақобат устунликлари ва катта миқдордаги ўзига хос активлари, бир хил функцияларни (ишлаб чиқаришнинг муайян турлари, тайёр маҳсулотларни оморга жойлаштириш, уларни етказиб беришни ташкил этиш) бажаришни ҳудудий маҳаллийлаштириш тенденциясининг мавжудлиги, ҳамкорлик алоқаларининг узоқ муддатлилиги ва юқори инерцияга эгаллиги киради.

Бир қатор меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар ва илмий нашрларни таҳлил қилиб ҳамда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кластерларнинг турларини ажратиб, уларнинг асосий хусусиятларини қуйидагича тавсифлашимиз мумкин (1 -жадвал).

1 -жадвал

Кластерларнинг тармоқ мансублиги бўйича таснифи

Кластерларнинг номлари	Кластернинг асосий хусусиятлари
Дискрет	Дискрет компонентлардан маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик ва ўрта корхоналардан ташкил топган (етказиб берувчилар, машинасозлик, автомобилсозлик, авиация саноати, кемасозлик, двигателлар ишлаб чиқариш ва бошқа саноатга мансуб йиғиш корхоналари).
Жараён	Жараёнли тармоқлар (кимё, целлюлоза-қоғоз, metallургия саноати, қишлоқ хўжалиги, озиқ - овқат саноати) таркибидаги корхоналар томонидан ташкил этилади
Транспорт-логистика	Таркибига юк ва йўловчиларни сақлаш, кузатиб бориш ва етказиб беришга ихтисослашган инфратузилма ва компаниялар; порт инфратузилмаси объектларига хизмат

	кўрсатувчи корхоналар; денгиз, дарё, ер усти, ҳаво орқали ташишга ихтисослашган компаниялар; логистика мажмуалари ва бошқалар киради
Инновацион ва ижодий	Ахборот технологиялари, биотехнологиялар, янги материалларни ишлаб чиқариш ва ижодий фаолият билан боғлиқ хизматларни тақдим этувчи корхоналар, таълим муассасалари ва илмий -тадқиқот институтларини ўз ичига олади.
Туризм	Туристлик жойлар асосида ташкил этилади ва туристларга хизмат кўрсатувчи турли соҳадаги корхоналарни (сайёҳлик операторлари, меҳмонхона ва ресторан тармоқлари, сувенир ишлаб чиқарувчилар, транспорт компаниялари ва ҳордиқ чиқариш марказларини) ўз ичига олади.
Аралаш	Ҳар хил кластерларнинг хусусиятларини ўзида бирлаштириши мумкин

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Сўнгги йигирма йил ичида кластерлаш жараёни Франция, Ҳиндистон, Буюк Британия, Италия, АҚШ ва Россия каби мамлакатларда энг кенг тарқалганлигини кўриш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, дунёнинг етакчи мамлакатлари иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластерлаш билан қамраб олинган [3].

Кластерларнинг шаклланиш хусусиятларини таҳлил қилиш саноат кластерларининг бир қанча моделларини, хусусан: Италия, Япония, Финляндия, Шимолий Америка ва Ҳиндистон - Хитой, моделларини аниқлаш имконини берди. Улар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, маълум хоссалари ва белгилари билан ажралиб туради:

- Италия моделида саноат кластери кичик корхоналар уюшмаларига асосланган бўлиб, улар ўз рақобатбардошлигини ошириш мақсадида бирлашадилар;

- Япония моделида саноат кластерининг асосини йирик ишлаб чиқаришга эга етакчи корхона ташкил қилади ва ўз технологик занжирининг турли босқичларида кўплаб етказиб берувчиларни жалб қилади;

- Финляндия моделида саноат кластерининг асоси бизнеснинг юқори даражадаги байналмилаллашуви ва инновацияларнинг мавжудлиги ҳисобланади;

- Шимолий Америка моделида саноат кластерининг асосини корхоналараро рақобат ташкил этади, ўзаро муносабатлар асосан талаб ва таклиф бозори томонидан тартибга солинади;

- Ҳиндистон-Хитой (Осиё) моделида саноат кластерининг асоси илғор технологияларни жалб қиладиган, шунингдек тайёр маҳсулотни жаҳон бозорларига чиқарилишини таъминлайдиган хорижий инвестициялардан иборат.

Шуни таъкидлаш керакки, саноат кластерини тузишда ташқи муҳит билан ўзаро алоқалар жуда муҳимдир. Кластер муҳити – бу унинг фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи барча омилларнинг мажмуидир. Кластернинг ташқи ва ички муҳитини фарқлаш зарур. Саноат кластерининг фаолияти ва ривожланишига таъсир этувчи ташқи муҳит омилларини кластерга таъсир этиш даражасига кўра уч тоифага бўлиш мумкин: биринчи тоифа – давлат (давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати, солиқ сиёсати, саноат сиёсати, ижтимоий-демографик сиёсат, фан ва таълим соҳасидаги сиёсат, қонунчилик тизими ва бошқалар); иккинчи тоифа – минтақа (минтақанинг ресурс таъминоти ва инфратузилмасини ўз ичига олади); учинчи тоифа – кластер таркибига кирмайдиган корхоналар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. А. Маршалл. Саноат худудлари концепциялари. 1890.
2. Портер М. Э. Конкуренция / Пер. с англ.: уч. пос. М.: Вильямс, 2005. 608 с.
3. Карта кластеров России. URL: <http://map.cluster.hse.ru/list>. Кластерная политика в России. URL: <http://cluster.hse.ru/cluster-policy/#show>.
4. Shadieva, G. M., Baratovna, S. N., & Muminovich, A. S. (2022). Theoretical Foundations of National Tourism and Competitiveness. *Specialusis Ugdymas*, 2(43), 3166-3177.
5. Boltaevna, S. F. A., & Upashevna, A. L. (2022). Signs of Innovation Economy and its Assessment Indicators. *Specialusis Ugdymas*, 2(43), 3178-3190.
6. Shakirova, F. B. (2022). ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ НАЗАРИЯЛАРИ, ШАКЛЛАНИШИ ВА МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ИМКОНИАТЛАРИ. *Journal of new century innovations*, 16(3), 86-96.
7. Akbarova, L. U. (2022). SOME PROBLEMS OF LIFELONG EDUCATION IN UZBEKISTAN IN THE CONDITIONS OF A MARKET ECONOMY. *Journal of new century innovations*, 16(1), 130-132
8. Saidahrolovich, K. S., Upashevna, A. L., & Abduxamitovna, F. M. (2022). Factors Affecting Supply and Demand in The Automobile Industry of The Republic of Uzbekistan. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 5, 1-6.
9. Upashovna, A. L. (2022). The Impact of Information Warfare on the Socio-Economic Development of Society and the Issue of Information Security. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(1), 245-248.